Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

2023 ЙИЛ — ИНСОНГА ЭЪТИБОР ВА СИФАТЛИ ТАЪЛИМ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● WWW.XS.UZ ● E-mail: Info@xs.uz ● 2023 йил 11 октябрь, № 215 (8558) Чоршанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ЎЗБЕКИСТОН — ҚАТАР:

СТРАТЕГИК ШЕРИКЛИК САРИ

Жаҳоннинг энг ривожланган, дунёдаги энг кўп табиий захирага эга ва ташқи савдода Япония, АҚШ, Буюк Британия, БАА, Германия каби давлатлар билан яқин ҳамкорлик олиб борувчи Қатар эндиликда Ўзбекистон билан ўз муносабатларини стратегик шериклик даражасига кўтариш учун мулоқот доирасини кенгайтирмоқда. Президентимизнинг Қатар Давлатига ташрифи фикримизнинг ёрқин ифодаси бўла олади.

Биз ва жаҳон

Сўнгги йилларда Ўзбекистон ва Қатар ўртасида савдо-иқтисодий алоқалар жадаллашиб бормоқда. Жумладан, ўтган йили ўзаро савдо ҳажми 4,8 млн. долларни ташкил этган бўлса, жорий йилнинг биринчи ярмида ушбу кўрсаткич ҳажми 4,5 млн. АҚШ долларига тенг бўлди.

Бунда давлатларимиз раҳбарларининг доимийлик касб этган мулоқотлари, ушбу учрашувлар чоғида эришилган келишувлар муҳим роль ўйнаётир.

Шу маънода, Доҳа шаҳридаги “Амири Девон” мажмуасида Ўзбекистон Республикаси Президентини расмий кутиб олишга бағишланган тантанали маросим юртдошларимиз, кенг жамоатчилик диққат-эътиборида бўлди.

Хусусан, Доҳа шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Қатар Давлати Амири шайх Тамим бин Ҳамад Ол Сонийнинг олий даражадаги музокаралари бўлиб ўтди. Унда сиёсий мулоқотни янада мустаҳкамлаш, савдо-иқтисодий, инвестициявий ҳамкорликни кенгайтириш ва маданий-гуманитар алмашинувни фаоллаштириш масалалари кўриб чиқилди. Музокаралар жараёнида ўзаро савдо ҳажми ошаётгани, икки мамлакат пойтахтлари ўртасида авиақатновлар йўлга қўйилгани, Қатарнинг йирик компаниялари билан қўшма лойиҳалар бошлангани қайд этилди.

Музокараларда ҳар икки мамлакат савдо кўрсаткичларини каррасига ошириш, анъанавий ва “яшил” энергетика, нефть-кимё, металларни чуқур қайта ишлаш, қурилиш, туризм, молия ва бошқа соҳаларда қўшма инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш истиқболлари хусусида сўз борди. Ишбилармонлик алоқаларини фаоллаштириш учун 2024 йил январь ойида Доҳада қўшма Ҳукуматлараро комиссия, Ишбилармонлар кенгашининг биринчи йиғилишлари ва бизнес форумини ўтказиш таклиф қилинди.

Ишонамизки, бу каби савдо-иқтисодий ҳамкорликни кенгайтириш ва қўшма лойиҳаларни амалга ошириш имконини бераётган таклифлар икки томон учун ҳам манфаатли кечади.

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев ва Қатар Амири шайх Тамим бин Ҳамад Ол Сонийнинг музокараларидан сўнг ҳамкорликнинг турли соҳаларини қамраб олган “Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ва Қатар Давлати Ҳукумати ўртасида туризм ва ишбилармонлик тадбирлари соҳасидаги ҳамкорлик тўғрисида битим”; “Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги ва Қатар Давлати Ижтимоий ривожланиш ва оила вазирлиги ўртасида ҳамкорлик тўғрисида меморандум”; Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ва Қатар Давлати Ички ишлар вазирлиги ўртасида ўзаро англашув меморандуми”; “Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси ва Қатар Давлати Инвестиция агентлиги ўртасида инвестициявий ҳамкорлик тўғрисида ўзаро англашув меморандуми”; “Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлиги ва Қатар Давлати Маъмурий назорат ва шаффофлик бошқармаси ўртасида ўзаро англашув меморандуми” каби муҳим ҳужжатлар имзоланди.

Шунингдек, маданият, таълим ва туризм соҳаларидаги алмашинувни кенгайтиришга қаратилган саъй-ҳаракатларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, илмий ва таълим муассасалари ўртасидаги ҳамкорликни чуқурлаштириш, биотехнологиялар ва сунъий интеллект, “яшил” энергетика борасида қўшма тадқиқотлар ўтказиш бўйича ҳам келишувларга эришилди.

Бу келишувлар икки мамлакат ўртасидаги алоқаларнинг тарихий аҳамиятга молик янги даврини бошлаб бериши, шубҳасиз.

Албатта, илм, инновация тараққий этган ушбу давлатнинг олий таълим муассасалари билан ўрнатиладиган ҳамкорлик алоқалари ҳар томонлама манфаатлидир. Бу борада Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги делегацияси билан академик ва илмий алоқаларни ривожлантириш, сунъий интеллект, биотехнология, “яшил” энергия ва экологик барқарорлик йўналишларида ҳамкорликни йўлга қўйиш, олийгоҳлараро академик алоқаларни мустаҳкамлашга доир учрашувлар ташкил қилиниб, қатор ҳужжатлар имзолангани эътиборга молик.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, олиб борилаётган очиқ, прагматик ва фаол ташқи сиёсат ҳудудларда ҳам ўз самарасини кўрсатмоқда. Хусусан, жорий йил бошида Фарғона вилоятида бўлган Қатар Давлатининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Ҳасан Ҳамза Ҳошим вилоят ҳокими билан бўлиб ўтган мулоқот чоғида ҳудудда барча йўналишда ҳамкорлик кўламини сифат жиҳатдан янги босқичга кўтаришга тайёр эканлигини билдиргани ва ўзаро манфаатли алоқаларни ривожлантириш бўйича бир қатор ташаббусларни қўллаб-қувватлагани таҳсинга сазовордир.

Хулоса ўрнида айтганда, давлатимиз раҳбарининг ушбу ташрифи икки мамлакат ўртасидаги муносабатларда янги саҳифа очди. Ўзбекистон — Қатар ўзаро муносабатларини ҳар томонлама тараққий эттиришда ва эришилган келишувларни ўз вақтида, изчил амалга оширишда биз, зиёлилар, олий таълим муассасалари вакиллари ҳам камарбаста бўламиз.

Баҳодиржон ШЕРМУҲАММАДОВ,
Фарғона давлат университети ректори, профессор.

Эътироф

ЎЗБЕКИСТОН — ҲИНДИСТОНЛИКЛАРНИНГ ОРЗУСИДАГИ САЙЁҲЛИК МАНЗИЛИ

Мамлакатимизнинг Ҳиндистондаги элчихонаси томонидан Деҳли шаҳрининг марказий майдонлари ва гавжум кўчаларида жойлашган LED-экранларда Ўзбекистон туризм салоҳиятига бағишланган видеороликлар намойиши ташкил этилди.

Президент саройи — Раштрапати Бҳаван жойлашган майдонга туташган шоҳкўчалар, вазирликлар ва турли ҳукумат идоралари, дипломатик корпус ва халқаро ташкилотлар, савдо ва ҳордиқ чиқарувчи масканлар, кўп қаватли тураржой бинолари қад ростлаб турган кўчалар, шаҳарнинг серқатнов чорраҳаларида ўрнатилган мониторларда октябрь ойи давомида Ўзбекистон сайёҳлик имкониятлари ва йўналишларини ўзида ифодалаган тасвирлар Деҳли аҳолиси ва меҳмонлари эътиборига ҳавола этилмоқда.

— Ҳиндистонликлар бугунги кунда дунё бўйлаб фаол саёҳат қилмоқда ва янги йўналишларга катта қизиқиш билдирмоқда, — дейди “Blink Brand Solutions” компанияси бош ижрочи директори Ноэл Саксена. — Шу маънода, Ўзбекистон улар орзу қилган сайёҳлик манзилларидан биридир. Биз Ўзбекистоннинг Деҳлидаги дипломатик ваколатхонаси билан мамлакатнинг меҳмондўстлик саноати имкониятларини янада кенг тарғиб этиш бўйича яқин ҳамкорлик қилмоқдамиз. Мазкур алоқалар Ўзбекистоннинг туризм имижини янада мустаҳкамлашга йўл очади. Ўзаро ҳамкорлигимиз йўналишларидан бири — бу мамлакат ҳақидаги роликлар намойиши. Деҳлидаги 25 та йирик экранда намойиш этилаётган видеоматериаллар маҳаллий аҳолида катта қизиқиш уйғотмоқда.

Ўзбекистон туризм салоҳияти тарғиботи доирасида Деҳли, Мумбай ва Бангалор каби қатор йирик шаҳарларда тақдимотлар, семинарлар ва бошқа тадбирлар уюштирилади. Шунингдек, ҳинд туристик компаниялари мутахассислари учун очилган махсус тренинг курсларида сўнгги йилларда Ўзбекистон туризм соҳасини янада ривожлантириш, халқаро ва маҳаллий саёҳатчилар учун замонавий шароитлар яратиш, туризм инфратузилмасини янада такомиллаштириш бўйича амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар, турли жозибадор сайёҳлик йўналишлари ҳақида маълумотлар тақдим этиш режалаштирилган. Мазкур мулоқотларда икки мамлакатнинг соҳа вакиллари ўзларининг муваффақиятли ҳамкорлик лойиҳалари ҳақида сўзлаб беради.

— Биз ўз тажрибамиз ва имкониятларимизни Ўзбекистонни бутунлай янгича кўринишда намойиш этишга йўналтирмоқдамиз. Мақсадимиз — кўпроқ одамлар томонидан ўзбек шаҳарларига саёҳат ҳақида қарор қабул қилишига эришишдир, — дейди Ноэл Саксена. — Ушбу жараёнда оммавий ахборот воситалари ва ижтимоий тармоқлар салоҳиятига катта эътибор берилмоқда. Масалан, яқинда “Instagram” ва “Fasebook”нинг Ҳиндистон сегментида Ўзбекистон ҳақида иккита лойиҳа ишга туширилди. Ҳозирги кунда ушбу аккаунтларга обуна бўлаётганларнинг сафи изчил кенгайиб бораётгани кузатилмоқда.

Шунингдек, Ҳиндистоннинг туризм ва саёҳатлар мавзусини ёритишга ихтисослаштирилган “BOTT” оммабоп журналининг октябрь сонида “Тамаддунлар чорраҳаси — Ўзбекистонни кашф қилинг” деб номланган тарғибот материали чоп этилди.

Ушбу йўналишда амалга оширилаётган тизимли ишлар натижасида Ўзбекистон ва Ҳиндистон ўртасида туристик оқим фаоллашмоқда, хусусан, жорий йил ушбу мамлакатдан ўзбек заминига саёҳат қилаётганларнинг сони ўзаро муносабатлар тарихидаги энг юқори кўрсаткичга эришилиши кутилмоқда.

«Дунё» АА.
Деҳли

Мулоқот

КЎП ҚИРРАЛИ ҲАМКОРЛИК ИЗЧИЛЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШГА КЕЛИШИБ ОЛИНДИ

Олий Мажлис Сенати Раиси Танзила Норбоева Европа Иттифоқининг Марказий Осиё бўйича махсус вакили Терхи Хакала билан учрашди.

Унда Ўзбекистоннинг Европа Иттифоқи билан муносабатларининг турли йўналишлари, хусусан, савдо-иқтисодий, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш ҳамда парламентлараро алоқаларни ривожлантириш масалалари кўриб чиқилди.

“Европа Иттифоқи — Ўзбекистон” парламент ҳамкорлиги қўмитаси доирасида ташкил этилаётган самарали мулоқотлар парламентлараро алоқаларни янги босқичга олиб чиқишда муҳим механизм экани алоҳида таъкидланди. 2024 йил учун Олий Мажлис Сенати ва Европа парламенти ўртасида амалий чора-тадбирларнинг алоҳида режасини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш таклифи илгари сурилди.

3

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

КОНСТИТУЦИЯВИЙ ҚОНУН ЛОЙИҲАСИ — ДЕПУТАТЛАР МУҲОКАМАСИДА

Кеча Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда бир гуруҳ депутатлар томонидан қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи асосида ишлаб чиқилган — ***“Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига сайлов ва референдум ўтказиш тартибини янада такомиллаштиришга қаратилган ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги*** *Ўзбекистон Республикаси Конституциявий қонуни лойиҳаси биринчи ўқишда концептуал жиҳатдан кўриб чиқилди.*

Кейинги йилларда демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш ва мамлакатни модернизация қилиш мақсадида парламент ҳамда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш, сайлов ва референдум ўтказиш тартибини янада такомиллаштиришга қаратилган кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилмоқда.

Мазкур Конституциявий қонун лойиҳаси билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари сайловини аралаш сайлов тизими (мажоритар ва пропорционал) асосида ўтказиш, сайлов органларининг марказлашган тизимини шакллантириш, сайлов комиссиялари тизимини мақбуллаштириш ҳамда Марказий сайлов комиссияси фаолиятини такомиллаштиришни назарда тутувчи ўзгартириш ва қўшимчалар киритилмоқда.

Хусусан, сайлов округлари бир мандатли ва ягона сайлов округларига ажратилмоқда. Қонунчилик палатасининг 75 нафар депутати мажоритар сайлов тизими асосида бир мандатли сайлов округларидан, қолган 75 нафари пропорционал сайлов тизими (номзодлар рўйхати) асосида сиёсий партияларга берилган овозлар бўйича ягона сайлов округидан сайланиши белгиланмоқда. Ягона сайлов округида депутатликка номзодлар сиёсий партиялар томонидан номзодлар рўйхати асосида тақдим этилиши назарда тутиляпти.

2

Давра суҳбати

БОЛАЛАР ҲУҚУҚЛАРИ ҲИМОЯСИНИ ЯНАДА КУЧАЙТИРИШ — ДАВР ТАЛАБИ

Ҳар йили дунё бўйлаб бир миллиарддан ортиқ болалар жисмоний, ҳиссий ёки жинсий зўравонликка дучор бўлар экан. Мультииндикатор кластер кузатувига кўра, Ўзбекистонда 1 ёшдан 14 ёшгача бўлган уч нафар боладан икки нафари зўравонлик билан тарбиялаш усулларини бошдан кечирган. 15 — 19 ёшли қизларнинг 33 фоизи эр ўз хотинини калтаклашга ҳақли деб билади.

Кеча пойтахтимизда бўлиб ўтган давра суҳбатида ана шу масала атрофлича таҳлил қилинди.

Тадбирда Олий Мажлис Сенати Раиси Т. Норбоева, Сенат Раисининг биринчи ўринбосари С. Сафоев, Қонунчилик палатаси Спикерининг биринчи ўринбосари А. Саидов, Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги директори М. Оллоёров, агентлик директорининг биринчи ўринбосари Ш. Мирзиёева, ЮНИСЕФнинг Европа ва Марказий Осиё бўйича минтақавий директори Р. Доминицис ҳамда вазирлик ва идоралар раҳбарлари, сиёсатшунослар, ҳуқуқшунослар, фуқаролик жамияти ва нуфузли халқаро ташкилотларнинг вакиллари, болалар ҳуқуқлари ҳимоячилари, шунингдек, ОАВ ходимлари иштирок этди.

3

БАРҚАРОРЛИК ВА ФАРОВОНЛИК МАНБАИ

«Навоий иссиқлик электр станцияси» акциядорлик жамиятида янгиланишларнинг учинчи даври бошланди.

“Навоий иссиқлик электр станцияси” акциядорлик жамияти ўтган асрнинг 60-йилларида бунёд этилган бўлса-да, шу кунга қадар минтақадаги саноат корхоналари, кичик ва ўрта бизнес субъектлари ҳамда ижтимоий-маиший истеъмолчиларни электр ва иссиқлик энергияси билан таъминловчи асосий манба ҳисобланади.

Энергетика

Маълумотларга кўра, мазкур станция ўз фаолиятини 1962 йилнинг февраль-март ойларида соатига 220 тонна буғ ва ҳар бири 25 мегаватт қувватга эга иккита турбоагрегат ишга туширилиши билан бошлаган. Қизилқум кенгликларига саноатнинг кириб келиши, янги-янги ишлаб чиқариш қувватларининг бунёд этилиши билан бу қувватлар изчил оширилди. Бироқ 90-йилларга келиб корхона таркибидаги 11 та трубогенератор ҳамда 12 та буғ ишлаб чиқарувчи қозондан иборат қурилмалар деярли эскирган, мамлакат энергия мустақиллиги электр таъминотининг яхлит, узлуксиз занжири барпо этилишини талаб қилар эди.

Шу асосда станцияни технологик жиҳатдан янгилаш, тубдан таъмирлаш ва реконструкция ишлари ҳамда замонавий бошқарув тизимларини жорий этишнинг дастурлари ишлаб чиқилиб, у босқичма-босқич амалга оширилди. Бу тадбирлар станция қувватларининг узлуксиз ишлашини зўрға таъминлар, энергия ҳамда хомашё ресурсларини иқтисод қилишга ожиз эди. Табиийки, маҳсулот, яъни электр ҳамда иссиқлик энергияларининг таннархини пасайтириш хусусида гап ҳам бўлиши мумкин эмасди.

— Корхонамизда 2012 йилнинг IV чорагидан бошлаб 478 мегаватт қувватга эга бўлган комбинациялашган циклли замонавий буғ-газ қурилмаси ишга тушди, — дейди ишлаб чиқариш масалалари бўйича директор Фаррух Юсупов. — Натижада станциянинг қуввати 1618 мегаваттни, иссиқлик қуввати эса соатига 518 гигакалорияни ташкил этди.

4

Халқ сўзи
www.xs.uz /xalqsuzi.uz @xs_uz
2023 йил 11 октябрь

КОНСТИТУЦИЯВИЙ ҚОНУН ЛОЙИҲАСИ — ДЕПУТАТЛАР МУҲОКАМАСИДА

1 Шунингдек, сайлов комиссиялари тизими такомиллаштирилиб, Марказий сайлов комиссияси, ҳудудий сайлов комиссиялари, туман ва шаҳар сайлов комиссиялари, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашларига сайлов ўтказиш бўйича округ сайлов комиссиялари ва участка сайлов комиссиялари сайлов комиссиялари тизимини ташкил этиши белгиланмоқда.

Ягона сайлов округи бўйича Қонунчилик палатаси депутатлигига сайлов натижаларини аниқлаш ва депутатлик ўринларини тақсимлаш тартиби, Марказий сайлов комиссияси аъзолари сонини камида ўн беш нафардан тўққиз нафарга тушириш, унинг камида бир нафар аъзоси Қорақалпоғистон вакили бўлиши кўзда тутилмоқда. Шу билан бирга, Марказий сайлов комиссиясининг Раиси беш йиллик муддатга сайланиши, айни бир шахс сурункасига икки муддатдан ортиқ Марказий сайлов комиссиясининг Раиси сифатида сайланиши мумкин эмаслиги қонун лойиҳасида акс этмоқда.

Бундан ташқари, Марказий сайлов комиссиясининг, ҳудудий сайлов комиссияларининг, округ ва участка сайлов комиссияларининг ваколатлари аниқлаштирилмоқда, туман, шаҳар сайлов комиссиясининг ваколатларини белгиловчи янги нормалар билан тўлдирилмоқда.

Қонун лойиҳаси билан бир мандатли сайлов округларида бошқа номзодларга нисбатан кўпроқ овоз олган депутатликка номзод сайланган, деб ҳисобланиши белгиланмоқда. Яъни мутлақ кўпчилик эмас, балки нисбий кўпчилик овози билан депутатлар сайланиши назарда тутилмоқда.

Депутатларнинг қайд этишича, Конституциявий қонун лойиҳасининг қабул қилиниши натижасида референдум ва сайлов тўғрисидаги қонунчилик янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига мувофиқлаштирилади, Марказий сайлов комиссияси, ҳудудий, туман ва шаҳар сайлов комиссияларининг ваколатлари аниқлаштирилади, Қонунчилик палатаси депутатлари корпусини шакллантиришнинг мажоритар-пропорционал шаклига асосланган сайлов тизими жорий этилишининг ҳуқуқий асослари яратилади.

Мажлисда сиёсий партияларнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракциялари раҳбарлари партиялар нуқтаи назаридан келиб чиқиб, ўз позицияларини билдириб ўтди.

Чунончи, **Ўзбекистон Либерал-демократик партияси фракцияси раҳбари Актам Ҳайитов** ишчи гуруҳ аъзолари томонидан 40 дан ортиқ хорижий мамлакатларнинг сайлов тизимлари ва қонунчилиги ўрганилганини алоҳида эътироф этди. Шунингдек, мазкур Конституциявий қонун лойиҳаси сиёсий партияларнинг масъулиятини оширишга, жамиятда кўп фикрлиликни ривожлантиришга хизмат қилишини қайд этиб ўтди.

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси фракцияси раҳбари Алишер Кодиров ўз муносабатида кейинги йилларда жамиятимизда одамларнинг онги, тафаккурида кузатилаётган ўзгаришга монанд равишда қонунчиликка ўзгартириш киритилишига бўлган эҳтиёж юзага келаётгани, хусусан, парламентга, депутатга, сиёсий партияларга бўлган қараш ва талаблар ҳам ўзгаргани мазкур Конституциявий қонун лойиҳасини ишлаб чиқишга сабаб бўлганини таъкидлади.

Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси фракцияси раҳбари Зуҳра Ибрагимова сиёсий партиядан кўрсатилган ва Қонунчилик палатасига сайланган депутат фақат шу партия фракциясининг аъзоси бўлиши қатъий белгиланаётгани сиёсий партияларнинг парламентдаги роли ва ўрни ошишига хизмат қилишини алоҳида эътироф этди. Шунингдек, партия рўйхатини шакллантиришда ҳар учта номзоднинг бир нафари аёл киши бўлиши лозимлиги ҳақидаги норма белгиланаётганини қўллаб-қувватлади.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракцияси раҳбари Улуғбек Иноятов партия позициясини билдирар экан, мазкур Конституциявий қонун лойиҳаси пропорционал ва можаритар сайлов тизимларининг кучли жиҳатларини ўзида мужассамлаштиргани, халқимизнинг давлат бошқарувида қатнашишдек устувор ҳуқуқидан фойдаланиши учун янги имкониятлар тақдим этаётганига алоҳида эътибор қаратди. Ушбу қонун лойиҳасининг долзарблигини ҳисобга олиб, партиянинг қуйи тузилмалари, халқ депутатлари Кенгашларидаги партия гуруҳларидан ҳам фикр ва таклифлар олиш режалаштирилганини қайд этди.

Ўзбекистон Экологик партияси фракцияси раҳбари Хайрулло Гаффоров ўз муносабатида Конституциявий қонун лойиҳасининг қабул қилиниши Қонунчилик палатаси депутатларининг шакллантирилиши тартиби ўзгаришига ва сиёсий партиялар нуфузи ошишига хизмат қилишини эътироф этган ҳолда қонун лойиҳасини қўллаб-қувватлади.

Мажлисда Конституциявий қонун лойиҳаси Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари муҳокамаси портали — regulation.gov.uz ҳамда Қонунчилик палатасининг расмий веб-сайти — parliament.gov.uz га жамоатчилик муҳокамаси учун жойлаштирилиши юзасидан қарор қабул қилинди.

Муҳокамалардан сўнг қонун лойиҳаси депутатлар томонидан биринчи ўқишда қабул қилинди.

Сўз — қонун ташаббускорларига

Шуҳрат БАФОЕВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати:

— Мажлисда депутатлар томонидан кўриб чиқилган қонун лойиҳаси, ҳақиқатан ҳам, бугунги кунда долзарб аҳамиятга эга. Унга кўра сайловлар можаритар, пропорционал, яъни аралаш тизим орқали амалга оширилиши белгиланмоқда.

Пропорционал сайлов сиёсий партиялар ўртасида ўзаро рақобатни кучайтиради, чунки эндиликда 50 фоиз партия рўйхати асосида сайловлар ўтказилади. Бунда партия рўйхати асосида Қонунчилик палатасида ўрин олган депутатларнинг тўғридан-тўғри сиёсий партия билан ўзаро алоқадорлигини кучайтиради. Бундан ташқари, сиёсий партияни ва унинг Қонунчилик палатасидаги фракциясининг муносабатлари ҳам мустаҳкамланади. Бу талаблар қонун лойиҳасининг бир қатор моддаларида ўз аксини топган. Шунингдек, депутатнинг фракция ва партия олдидаги масъулияти ҳам ортади. Бу эса фракциявий интизомнинг ҳам кучайишига олиб келади.

Мавжуда ҲАСАНОВА,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати:

— Сўнгги йилларда мамлакатимизда хотин-қизларга жуда катта эътибор қаратилмоқда. Уларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари қонун билан ҳимояланмоқда. Бугунги кунда сиёсий жараёнда опа-сингилларимиз улуши Қонунчилик палатасида 32 фоизни, маҳаллий Кенгашларда эса 25 фоизни ташкил этмоқда. Янги таҳрирдаги Конституциямизда хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари кафолатлаб қўйилган бўлса биз, депутатлар биринчи ўқишда кўриб чиққан қонун лойиҳасида ҳам партия рўйхатидаги кетма-кетликда камида ҳар учта номзоднинг бир нафари аёл киши бўлиши эътиборга молик. Бу мамлакатимизда гендер тенгликни таъминлаш баробарида келгусида аёлларимизнинг сиёсий фаоллигини янада оширишга хизмат қилади.

Мухтабар ХУСАНОВА,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати:

— Қонун лойиҳаси билан қуйи палата ва маҳаллий Кенгашлар сайлови натижаларини белгилаш тартиби такомиллаштирилмоқда. Амалдаги қонунчиликда сайловда иштирок этган сайловчилар ярмидан кўпининг овозини олган номзод сайланган ҳисобланарди, яъни мутлақ кўпчилик овоз талаб этиларди. Ушбу талаб Президент сайловига нисбатан тўғри қўлланилган бўлиб, бундан мақсад сайлов ҳуқуқига эга бўлган мамлакат аҳолисининг мутлақ кўпчилиги танлаган шахсгина Президент лавозимига муносиб кўрилади. Бундай амалиёт аксарият хорижий мамлакатларда ҳам мавжуд.

Шу билан бирга, бир нечта сайлов округларидан сайланадиган депутатликка номзодларга нисбатан бу каби қоидани қайта кўриб чиқиш зарурати мавжуд. Чунончи, бошқаларга нисбатан кўпроқ овоз олган депутатликка номзод сайланмас экан, ўша ҳудуддаги нисбатан кўпчиликнинг фикри ва хоҳиш-истаги амалга ошмай қолади. Шу сабабли бир мандатли сайлов округларида бошқа номзодларга нисбатан кўпроқ овоз олган депутатликка номзод сайланган, деб ҳисобланиши белгиланмоқда. Яъни мутлақ кўпчилик эмас, балки нисбий кўпчилик овози билан депутатлар сайланиши назарда тутилмоқда.

Дилмурод ИСМОИЛОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати:

— Кун тартибидаги Конституциявий қонун лойиҳаси халқимизни парламент қўйи палатасидаги ўз вакилларини сайлашнинг мутлақо янги тизимини яратишга қаратилган. Эндиликда сайловчилар нафақат шахсга, балки ўзи ишонган, ўзи хоҳлаган сиёсий партияга овоз бериш орқали олдига қўйган эзгу мақсадларини рўёбга чиқариш имкони яратилмоқда. Энг муҳими, партия ва фуқаролар ўртасидаги муносабатлар мутлақо янги босқичга чиқади, талаб бошқача бўлади. Албатта, бу жараёнда сиёсий партияга Сайловолди дастурида белгиланган мақсадларни амалга оширишга кенгроқ имконият берилиши билан бирга, ўз электорати олдида катта масъулиятни ҳам юзага келтириши, шубҳасиз.

Қонун лойиҳасида назарда тутилаётган сиёсий партия рўйхати асосида депутатлик корпусини шакллантиришнинг ҳуқуқий механизмлари сайлов жараёнларида сиёсий партиянинг мавқеи янада ошишига хизмат қилади. Шу билан бирга, партиянинг мамлакат сиёсий қаётида фаол иштирокини таъминлашга, парламент қуйи палатасида қонун ижодкорлиги инструментларидан фойдаланган ҳолда ўз мақсад ва вазифаларини ҳаётга татбиқ этишга қаратилган муҳим ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилишга замин яратади.

Санжар ҲАМИДУЛЛАЕВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати:

— Пропорционал тизим бу янги илғор демократик тажриба бўлиб, дунёнинг кўплаб етук давлатларининг интенсив, сиёсий-иқтисодий ва ижтимоий ривожланишига хизмат қилган ҳамда ўзининг самарадорлигини ҳаётда кўрсатган.

Ушбу тизимнинг афзаллиги сайлов ҳуқуқига эга бўлган фуқароларнинг сиёсий иродасини тўлиқ сайлов жараёнида акс эттиришга хизмат қилишидир. Қолаверса, кўппартиявийлик ҳамда жамиятда фикрлар хилмахиллиги ривожланишига қаратилган.

Ўйлайманки, Ўзбекистоннинг сиёсий модернизацияси шароитида бу тизим ўз натижадорлигини кўрсатади ва фуқароларнинг сайлов ҳуқуқларини тўлиқ амалга оширишга хизмат қилади.

Шуҳрат ШАРАФУТДИНОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати:

— Мазкур қонун лойиҳасини ишлаб чиқишга нафақат ташаббускор депутатлар, балки ушбу соҳада катта тажрибага эга экспертлар ҳам жалб этилди. Қонун лойиҳасининг муҳим жиҳатларидан бири, бу — сайлов тизимининг аралаш, яъни можаритар-пропорционал шаклига ўтаётганлиги муносабати билан унинг ҳуқуқий асослари ва аниқ механизмлари яратилаётганидир.

Шу билан бирга, лойиҳада юзага келиши мумкин бўлган саволларга жавоб берувчи нормалар ҳам шакллантирилмоқда. Жумладан, партиявий рўйхат асосида сайланган депутатлар муайян бир сайлов округларидан сайланмаганлиги сабабли уларнинг сайловчилар билан муносабатлари қандай тартибга солинади, деган табиий савол туғилиши мумкин.

Шу сабабли "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Регламенти тўғрисида"ги Қонуннинг тегишли моддаси янги қисм билан тўлдириляпти ва бунда партиявий рўйхат асосида сайланган депутатлар ва сайловчилар ўртасидаги муносабатларни шакллантириш бўйича тартиб белгиланиб, асосий масъулият сиёсий партиялар фракцияси зиммасига юклатилмоқда.

Турганбай ХОЖАНАЗАРОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати:

— Шу ўринда юқорида айтилган маълумотларга қўшимча равишда Сайлов кодексига сайлов участкаларини тузиш тартибига доир киритилаётган ўзгартиришларни қайд этиш жоиз.

Хусусан, сайлов участкалари ҳудудий сайлов комиссиялари томонидан беш йил муддатга тузилиши, зарур бўлган ҳолларда сайлов участкалари туманлар ва шаҳарлар ҳокимликларининг тақдимномасига биноан қайта тузилиши, амалдаги сайлов участкаларининг чегаралари ўзгартирилиши ёки тугатилиши мумкинлиги белгиланмоқда.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ва партия рўйхати асосида Қонунчилик палатаси депутатларининг ягона сайлов округи бўйича сайловини ўтказиш учун Ташқи ишлар вазирлигининг тақдимномасига биноан Марказий сайлов комиссияси томонидан мамлакатимизнинг чет давлатлардаги дипломатик ва бошқа ваколатхоналари ҳузурида сайлов участкалари тузилиши мумкинлиги акс этмоқда.

Сайлов участкалари Ўзбекистон Республикаси Президенти, Қонунчилик палатаси депутатлари ва маҳаллий Кенгашлар депутатлари сайловлари учун ягона ҳисобланиши белгиланмоқда.

Албатта, буларнинг барчаси сайлов ва референдум ўтказиш тартибини янада такомиллаштиришга хизмат қилади.

«Халқ сўзи».

ДЕМОКРАТИК ИСЛОҲОТЛАР ИНСОН МАНФААТЛАРИГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлисида тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш, интеллектуал мулкни ишончли ҳимоя қилиш, давлат хизматлари кўрсатиш тизимини тартибга солиш, ислоҳотларни янги босқичга кўтариш ҳамда мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий ҳаётида амалга оширилаётган ислоҳотларни қўллаб-қувватлашга қаратилган муҳим қонун лойиҳалари атрофлича муҳокама қилинди. Айтиш жоизки, юртимизда олиб борилаётган демократик ислоҳотларнинг қонун лойиҳаларида акс эттирилиши инсон манфаатларини таъминлашга, ҳуқуқ ва эркинликларини кафолатлашга хизмат қилади.

Таклиф ва тавсиялар инобатга олинди

Депутатлар "Тўловга қобилиятсизлик тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш таклиф этилмоқда. Яъни "Тўловга қобилиятсизлик тўғрисида"ги Қонунда белгиланган солиқ солишнинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиб, Солиқ кодексига тўловга қобилиятсизликнинг соғломлаштириш жараёнида жорий солиқ тўловларини тўлашни тўхтатиб туриш ва мазкур тартиб-таомил якунлангач солиқ қарзларини олти ой ичида тенг миқдорда бўлиб-бўлиб тўлаш, қарздор юридик ва жисмоний шахслар ёки якка тартибдаги тадбиркорнинг мол-мулкини сотишдан тушган маблағларнинг қарздорликни тўлашга йўналтирилган қисмини даромад сифатида ҳисобга олмасликни назарда тутиш белгиланмоқда.

Шунингдек, фуқаролик ва иқтисодий суд ишларини юритишга ихтисослашув бўйича лицензияга эга бўлган адвокатларга суд бошқарувчиси сифатида фаолият юритиш ҳуқуқи берилганлиги муносабати билан "Адвокатура тўғрисида"ги Қонунга ҳам қўшимча киритиляпти.

Қайд этилганидек, қонун лойиҳасини иккинчи ўқишга тайёрлаш жараёнида депутатлар ва мутахассислар билдирган таклифлар ишчи гуруҳ томонидан атрофлича кўриб чиқилиб, лойиҳага улар асосида тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар, бир қатор таҳририй тузатишлар киритилди.

Қизғин давом этган муҳокамалардан сўнг қонун лойиҳаси депутатлар томонидан қабул қилинди.

Интеллектуал мулк янада ишончли ҳимоя қилинади

"Интеллектуал мулкни ишончли ҳимоя қилиш тизими янада такомиллаштирилиши муносабати билан "Ахборотлаштириш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 12[1]-моддасига қўшимча ва ўзгартириш киритиш ҳақида"ги қонун лойиҳаси ҳам қуйи палата мажлисида муҳокама марказида бўлди.

Таъкидланганидек, сўнгги йилларда мамлакатда интеллектуал мулк ҳуқуқларини ҳимоя қилиш билан боғлиқ ишлар жаддаллашганига қарамай, ушбу соҳада содир этилаётган ҳуқуқбузарликлар сони ошиб бораётир. Хусусан, 2020 йил 81 та қонунбузилиш ҳолати аниқланган бўлса, ушбу кўрсаткич 2021 йилга келиб 887 тани, 2022 йилда эса 1209 тани ташкил этган.

Аниқланган ҳуқуқбузарликнинг ўзига хос жиҳати шундаки, уларнинг салмоқли қисми интернет жаҳон ахборот тармоғидан фойдаланилган ҳолда содир этилмоқда. Жумладан, 2022 йилда муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар соҳасидаги қонунбузилиш ҳолатларининг 31 фоизи интернет тармоғида бажарилган.

Мазкур қонун лойиҳаси билан бундай ҳуқуқбузарлик ҳолатларининг олдини олиш мақсадида "Ахборотлаштириш тўғрисида"ги Қонуннинг 12[1]-моддасига ахборот ресурси эгасининг интеллектуал, шу жумладан, муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар соҳасидаги шахсий жавобгарлигини ошириш назарда тутилган қўшимча киритиш орқали веб-сайтлар, ижтимоий тармоқлар ва бошқа ахборот ресурсларида ноқонуний фойдаланишнинг олдини олиш ҳамда ахборот-коммуникация муҳитида интеллектуал мулк объектларига бўлган ҳуқуқларнинг самарали ҳимоясини таъминлаш мақсади илгари сурилмоқда.

Ушбу қонун лойиҳасининг қабул қилиниши рақамли муҳитда интеллектуал мулк, шу жумладан, муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқ объектларининг янада ишончли ҳимояси таъминланишига, эҳтимолий ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга хизмат қилади.

Мажлисда қонун лойиҳаси депутатлар томонидан қўллаб-қувватланди.

Оммавий ахборот воситасини рўйхатдан ўтказиш муддати қисқармоқда

"Давлат хизматлари кўрсатиш тизими такомиллаштирилганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун лойиҳаси депутатлар томонидан биринчи ўқишда кўриб чиқилди.

Кейинги йилларда мамлакатимизда фуқаролар ва тадбиркорларга давлат хизматларини кўрсатиш тизими босқичма-босқич ислоҳ қилиниб, ортиқча бюрократик тўсиқларни бартараф этиш ҳамда давлат хизматларини кўрсатиш сифатини тубдан яхшилаш борасида тизимли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Хусусан, давлат органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ва бошқа давлат ташкилотларида эскирган бюрократик тартиботлар, шу жумладан, электрон тизим орқали олиш имконияти мавжуд бўлган маълумотларни қоғоз кўринишида сўраб олиш, иш учун муҳим бўлмаган ҳужжатларни талаб этиш бекор қилинди.

Таклиф этилаётган қонун лойиҳаси билан адвокатлик гувоҳномасини бериш муддатини уч иш кунидан икки иш кунига, оммавий ахборот воситасини рўйхатдан ўтказиш муддатини ўн беш кундан ўн кунга қисқартириш кўзда тутилмоқда.

Депутатларнинг таъкидлашича, қонун лойиҳасининг қабул қилиниши давлат хизматларини кўрсатиш тизимини тартибга солиш, аҳоли ва тадбиркорлик субъектлари учун бюрократик тўсиқларни бартараф этиш, давлат хизматларини кўрсатганлик учун ундириладиган тўлов миқдорини камайтириш ҳамда давлат хизматларини кўрсатиш муддатини қисқартиришга шароит яратади.

Мажлисда қонун лойиҳаси депутатлар томонидан қабул қилинди.

Ҳужжатбозлик ва сарсонгарчиликларга йўл қўйилмайди

Мажлисда кўриб чиқилган навбатдаги ҳужжат — "Давлат хизматларини кўрсатишда бюрократик тўсиқлар янада қисқартирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида"ги қонун лойиҳаси бўлди.

Қонун ташаббускорларининг айтишича, ушбу лойиҳа билан 1 та кодекс ва 2 та қонунга ўзгартиришлар киритилмоқда.

Ҳозирги вақтда фуқаролик ҳолати далолатнома ёзувлари "ФҲДЁнинг ягона электрон архиви" ахборот тизими орқали қайд қилинаётгани ҳамда архив маълумотлари мазкур электрон тизимда сақланаётгани сабабли далолатнома ёзувларини фақат бир нусхада расмийлаштириш имконияти мавжуд. Оила кодексининг 201-моддасига кўра, далолатномалар икки нусхада ёзилиши белгилангани боис ушбу моддага ўзгартириш киритилмоқда.

Шунингдек, ҳозирда ФҲДЁ органлари томонидан бериладиган гербли гувоҳномаларга QR-код тасвири туширилиб, e-fhdyo.uz тизими орқали унинг ҳақиқийлигини текшириш ҳамда гербли гувоҳномалар бланкаларига серия ва рақамларни ахборот тизими орқали чоп этиш имконияти яратилган. Шунга кўра, Оила кодексининг 202-моддасига ўзгартириш киритиляпти.

Ушбу қонун лойиҳасининг қабул қилиниши фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш соҳасининг такомиллаштирилишига, пенсия тизимида ҳисобга қўйишнинг соддалаштирилишига ҳамда судланганлик ҳолати мавжуд эмаслиги ёки мавжудлигини тасдиқловчи ҳужжатнинг Ўзбекистон Республикаси фуқароларидан талаб этилмаслиги ҳолатларини белгилашга хизмат қилади.

Мажлисда қонун лойиҳаси депутатлар томонидан маъқулланди.

Янги нормалар қонунчиликда акс эттирилади

"Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг нормаларини сўзсиз ва тўлиқ амалга оширишга қаратилган ўзгартириш ва қўшимча киритиш ҳақида"ги қонун лойиҳасининг муҳокамаси ҳам қизғин кечди.

Янги таҳрирдаги Конституциядаги бир қатор янги нормаларни амалдаги қонунларимизда акс эттириш зарурати юқоридаги қонун лойиҳасини ишлаб чиқишни тақозо қилди.

Мазкур ҳужжат билан "Норматив ҳуқуқий-ҳужжатлар тўғрисида"ги Қонуннинг 8 ва 18-моддаларига қуйидагиларни назарда тутувчи нормалар киритилмоқда. Инсон билан давлат органларининг ўзаро муносабатларида юзага келадиган қонунчиликдаги зиддиятлар ва ноаниқликлар инсон фойдасига талқин этилишини доимий таъминлаб бориш, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси мамлакатнинг бутун ҳудудида олий юридик кучга эгалиги, тўғридан-тўғри амал қилиши ва ягона ҳуқуқий маконнинг асосини ташкил этишига оид нормаларни амалдаги қонунчиликка киритиш кабилар шулар жумласидан.

Қонун лойиҳасининг қабул қилиниши инсон ва давлат ўртасида муносабатларни тартибга солувчи қонунчиликдаги ноаниқликлар, турли тушунмовчиликларга барҳам бериш ҳамда жамиятда қонунларга сўзсиз риоя этилишини таъминлашга хизмат қилади.

Қизғин баҳс-мунозара ва савол-жавоблардан сўнг қонун лойиҳаси депутатлар томонидан қабул қилинди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Парламент ахборот маркази.

КЎП ҚИРРАЛИ ҲАМКОРЛИК ИЗЧИЛЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШГА КЕЛИШИБ ОЛИНДИ

1 Мулоқот чоғида иқтисодий ҳамкорлик масалаларига асосий устувор йўналиш сифатида эътибор қаратилди. Айни пайтда савдо айланмаси барқарор ўсишда давом этмоқда. Йил бошидан буён бу борадаги кўрсаткич 35 фоизга ошди. Европанинг етакчи компаниялари билан йирик инвестиция лойиҳалари амалга оширилмоқда. “GSP+” режими сифатли ўзбек маҳсулотларини Европа бозорига экспорт қилишнинг рағбатлантирувчи омилига айланди. Шу нуқтаи назардан, мазкур режимни янги муддатга узайтириш юзасидан фикр алмашилди.

Минтақавий даражада йўлга қўйилган мулоқот, хусусан, “Марказий Осиё — Европа Иттифоқи” ҳамкорлик формати муносабатларни янада ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш учун муҳим платформага айлангани қайд этилди.

Суҳбат давомида Марказий Осиё давлатлари етакчи аёллари мулоқоти ва Европа Иттифоқи ўртасида ҳамкорликни кучайтириш билан боғлиқ қатор таклифлар ҳам муҳокама қилинди. Бунда БМТнинг Марказий Осиё учун превентив дипломатия бўйича минтақавий маркази билан ҳамкорликда Брюсселда ўтказилиши режалаштирилган мулоқотнинг навбатдаги йиғилиши муҳим аҳамият касб этиши таъкидланди. Мазкур тадбир гендер тенглиги, аёллар ҳуқуқ ва манфаатларини илгари суриш каби йўналишларда Европа Иттифоқининг тажрибаси билан яқиндан танишиш имкониятини бериши билан бирга, ҳамкорликнинг янги босқичига туртки вазифасини ўташи айтиб ўтилди.

Учрашув якунида кўп қиррали ҳамкорликни амалий мазмун билан бойитиш, ўзаро мулоқотлар изчиллигини таъминлашга келишиб олинди.

«Халқ сўзи».

БОЛАЛАР ҲУҚУҚЛАРИ ҲИМОЯСИНИ ЯНАДА КУЧАЙТИРИШ – ДАВР ТАЛАБИ

1 Давра суҳбатида болалар ҳуқуқлари ҳимоясини мустаҳкамлаш, хусусан, уларни зўравонликнинг барча шаклидан ҳимоя қилиш, бу борада қонунчилик нормаларини такомиллаштириш, айрим ҳолатлар юзасидан янги қонунларни қабул қилиш масалалари кўриб чиқилди.

Сенат Раиси таъкидлаганидек, Ўзбекистон мустақилликка эришгач халқаро ҳужжатлар ичида биринчилардан бўлиб “Бола ҳуқуқлари тўғрисида”ги Конвенцияни ратификация қилган бўлиб, ўтган давр мобайнида миллий қонунчилигимиз халқаро стандартларга мослаштирилмоқда.

Иштирокчилар томонидан охирги йилларда юртимизда бола ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ҳимояси борасида ҳам туб ўзгаришлар амалга оширилгани, хусусан, Президентимизнинг қатъий сиёсий иродаси туфайли Ўзбекистонда мажбурий меҳнатга, шу жумладан, болалар меҳнатига буткул барҳам берилгани, бундай ҳолатларга нисбатан давлатда ҳам, жамиятда ҳам муросасиз муносабат шакллангани алоҳида айтиб ўтилди.

Шу каби саъй-ҳаракатлар боис Ўзбекистон Глобал болалик рейтингида тобора юқорилаб бормоқда. Агар 2017 йилда ушбу рейтингда мамлакатимиз 78-ўринни эгаллаган бўлса, 2021 йилда 62-ўринга кўтарилди.

Давра суҳбатида ҳалиҳамон айрим ҳолатларда болалар ҳам жисмоний, ҳам психологик тазйиқ ва зўравонликларга дуч келаётгани, улар ҳуқуқлари поймол бўлаётгани, бу эса тегишли қонунчиликни такомиллаштиришни тақозо этиши таъкидланди. Хусусан, “Болаларни зўравонликнинг барча шаклларидан ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш бугун ниҳоятда зарур.

Қайд этилганидек, бу борадаги махсус қонуннинг қабул қилиниши Ўзбекистон Жиноят кодексига яқинда киритилган ўзгартишларга мос келади, бу, ўз навбатида, қизлар, ўғил болалар ва аёлларни зўравонликдан ҳуқуқий ҳимоялашни кучайтириш имконини беради. Айни чоғда, бу зўравонликнинг олдини олиш ҳамда унга қарши курашиш бўйича кўп тармоқли хизматларни ривожлантириш ва амалга оширишда ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилади.

«Халқ сўзи».

ЖИНОИЙ ДАРОМАДЛАРНИ ЛЕГАЛЛАШТИРИШГА ҚАРШИ КУРАШИШДА НОТАРИУСЛАРНИНГ ЎРНИ

Самарқанд шаҳрида нотариат соҳасига бағишланган икки босқичдан иборат халқаро конференция бўлиб ўтмоқда.

Анжуманнинг биринчи кунида Ўзбекистон Нотариал палатаси ҳамда Халқаро нотариал ҳамкорлик комиссияси билан биргаликда нотариат соҳасида жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш масалалари атрофлича таҳлил қилинди.

Конференция

Қирққа яқин давлатларнинг нотариат соҳасидаги делегациялари, шунингдек, маҳаллий давлат ва нодавлат ташкилотлари вакиллари иштирок этаётган ушбу конференцияга Халқаро нотариал ҳамкорлик комиссияси президенти Ричард Бок модераторлик қилди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси адлия вазири Акбар Тошқулов сўзга чиқиб, сўнгги йилларда мамлакатимизда нотариат соҳасида амалга оширилган ислоҳотлар ҳамда келгусидаги режаларга тўхталиб ўтди.

Таъкидлангандек, Ўзбекистонда 2020 йилдан хусусий нотариуслар фаолияти йўлга қўйилиб, бугунги кунда мингдан ортиқ хусусий нотариуслар хизмат кўрсатяпти. Ўзбекистон Нотариал палатаси ташкил этилди, унинг асосий вазифалари ва фаолият йўналишлари белгиланди.

Шу билан бирга, Ўзбекистон томонидан нотариат соҳасида халқаро алоқаларни ўрнатиш ва уни ривожлантириш масалаларига алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Бугунги кунда Германия, Франция, Италия, Туркия, Хитой, Япония, Индонезия, Вьетнам, Литва, Россия, Озарбайжон, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон ва бошқа давлатларнинг нотариат соҳасидаги ташкилотлари билан алоқалар ўрнатилган.

Халқаро анжуманда мавзу юзасидан Сенегал, Буюк Британия, Хорватия, Испания, Австрия, Аргентина, Қозоғистон каби давлатлар вакиллари ўз маърузалари билан қатнашди ва тизим муаммолари ҳамда келгусидаги устувор масалалар муҳокама қилинди. Илғор тажрибалар оммалаштириладиган бўлди.

— Бугунги тадбирда мавзудан келиб чиқиб Сенегал давлати тажрибаси билан ўртоқлашдик, — дейди Сенегал нотариуслари вакили, Халқаро нотариуслар иттифоқининг фахрий президенти Даниел Седар Серхор. — Яъни ўзаро ҳамкорликни йўлга қўйиш, тажриба алмашиш, нотариуслар томонидан терроризмнинг молиялаштирилишига йўл қўймаслик борасида амалга оширилиши лозим бўлган ишларга тўхталдим. Нотариусларнинг вазифаси терроризмни молиялаштиришга қаратилган ҳаракатларни тўхтатиб қолиш, ҳомийларини аниқлаш ҳамда керакли органларга тақдим қилишдан иборат. Биз инсониятга хавф солувчи ҳар бир ҳаракатга қарши биргаликда курашмоғимиз лозим.

Дарҳақиқат, “Нотариат соҳасида жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш” мавзуси бугунги кунда нотариат соҳасида фаолият юритувчи ҳар бир шахс учун муҳимдир. Чунки жиноий даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш соҳасидаги хавфларни аниқлаш ҳамда бартараф этишда нотариусларнинг ўрни катта.

Шу боис мазкур соҳада олиб борилаётган ислоҳотларни таҳлил қилиб, фикр алмашиб, тизимни янада такомиллаштириш зарур.

— Самарқанд шаҳрида бўлиб ўтаётган долзарб мавзудаги конференцияда иштирок этаётганимдан мамнунман, — дейди испаниялик нотариус Мария Белен Барриос Гарридо-Лестаче. — Бу ерда биз ўзаро фикр алмашяпмиз. Бу соҳадаги муаммолар ечимида қўл келади, албатта. Ҳар бир нотариус амалга оширилган нотариал ҳаракат учун катта масъулият ва жавобгарлик борлигини ҳис қилган ҳолда ҳужжатларга ёндашиши лозим. Шунда турли ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш мумкин. Бугун нотариуслар бутун дунё учун долзарб бўлган ана шу мавзуни муҳокама қилмоқда. Ўйлайманки, бу саъй-ҳаракатлар ўз самараларини беради.

Конференция давомида Ўзбекистон Нотариал палатаси билан Туркия нотариуслар иттифоқи, Венгрия ҳамда Мўғулистон Нотариал палаталари ўртасида ҳамкорлик меморандумлари имзоланди, келгусида амалга оширилиши лозим бўлган ишлар белгилаб олинди.

Тадбирда Халқаро нотариал ҳамкорлик комиссияси президенти Ричард Бок ҳамда Халқаро нотариуслар иттифоқи фахрий президенти Кристина Армелла хонимга Ўзбекистон Нотариал палатаси томонидан таъсис этилган “Нотариат соҳасига қўшган ҳиссаси учун” кўкрак нишони топширилди.

Анжуманнинг иккинчи босқичи бугун давом эттирилади. Унда “Рақамлаштириш даврида нотариатнинг ўрни” мавзуи кенг муҳокама қилинади.

Абдулазиз ЙЎЛДОШЕВ
(«Халқ сўзи»).

ОИЛА ВА ХОТИН-ҚИЗЛАР МАСАЛАЛАРИ ДОИМО ДАВЛАТИМИЗ ЭЪТИБОРИДА

Оила ва хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш масаласи давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан биридир. Шу боис мамлакатимизда ушбу масалага алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Давлатимиз томонидан ҳар бир оиланинг барқарор даромад манбаига эга бўлиши учун барча шароит яратилган. Оилалар сонига нисбатан уй-жойлар, автомобиллар, маиший хизмат техникалари билан таъминланганлик даражаси турмуш фаровонлигининг қанчалик ўзгарганини кўрсатади.

Муносабат

Аммо, бу — ҳаёт. Ҳар кимнинг жисмоний, ақлий ёки ўзига боғлиқ бўлмаган бошқа имкониятлари турлича. Орамизда оғир ҳаётий вазиятга тушган ёки тушиш хавфи юқори бўлган оилалар ҳам мавжуд.

Уларнинг давлат эътиборида бўлиши, ҳеч кимдан кам бўлмаган таълим, тиббий, ижтимоий хизматлардан фойдаланиши учун тўлиқ имкониятлар яратиш борасида олиб борилаётган кенг кўламли ишларнинг узвий давоми сифатида “Ўзбекистон — 2030” стратегиясини амалга оширишга киришилди. Президентимизнинг тегишли Фармони билан тасдиқланган ушбу ҳужжатда юқоридаги каби масалаларни ҳал этиш, шунингдек, оилалар ва хотин-қизларнинг яшаш шароитини янада яхшилашга қаратилган ишларни тизимли ташкил қилиш ғоялари ўз ифодасини топган.

Жумладан, эндиликда оғир ҳаётий вазиятга тушган ёки тушиш хавфи юқори бўлган ҳар бир оила бўйича алоҳида “ижтимоий хизмат иши”ни юритиш тартиби амалиётга жорий этиладиган бўлди. Бунда ушбу оилаларда шароитни яхшилаш, уларни даволаш, дори воситалари билан таъминлаш, фарзандларини мактабгача ва мактаб таълими ташкилотларига жойлаштириш, моддий ёрдам бериш каби ижтимоий хизматлар кўрсатиш назарда тутилмоқда. Келгуси йилдан бошлаб оғир ижтимоий аҳволга тушиб қолган хотин-қизларни қайта касбга тайёрлаш харажатларини давлат томонидан қоплаб бериш тартиби ҳам татбиқ қилинади.

Шу ўринда таъкидлаш лозимки, ҳозирги кунга келиб Қорақалпоғистон Республикасида оғир шароитда яшаётган, ижтимоий ҳимояга муҳтож 51 минг оиланинг уй-жой шароити яхшиланди. Айрим ҳудудларда аҳолига тоза ичимлик сувини етказиб бериш қатор қийинчиликлар билан амалга оширилаётган бир пайтда Қорақалпоғистонда ичимлик суви билан таъминлаш даражаси 71 фоизга етди.

Бу ҳали ҳаммаси эмас. Вазирлар Маҳкамасининг шу йил 2 февралдаги “Қорақалпоғистон Республикасида аҳоли учун муносиб турмуш шароитларини яратиш ва маҳаллалар инфратузилмасини янада яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига асосан барча овул ва қишлоқлардаги аҳоли тураржойлари хатловдан ўтказилди.

Ҳудуддаги 424 маҳаллада 21 803 та уй-жойни таъмирлаш учун 343,9 миллиард сўм ажратилмоқда. Шундан 2194 та тураржойнинг том қисмини таъмирлаш ҳамда яшаш учун яроқсиз ва авария ҳолатига келиб қолган 709 та уй-жойни янгидан қуриш ишлари белгиланган. Бунинг ижроси кўплаб инсонларнинг оғирини енгил қилади.

Шу билан бирга, стратегияда оғир ижтимоий аҳволга тушиб қолган хотин-қизларни қайта касбга тайёрлаш харажатларини давлат томонидан қоплаб бериш тартибини жорий этиш белгиланмоқда. Содда қилиб айтганда, бу тоифадаги хотин-қизларнинг бугунги замон учун зарур ҳамда бозор иқтисодиёти шароитида талаб юқори бўлган касбларни ўрганишлари учун харажатларни давлат ўз зиммасига оляпти. Чунки янги очилаётган ишлаб чиқариш корхоналари, заводлар, фабрикалар уларда мавжуд бўлган техника ва технологияларда ишлаш учун касб ва малака кўникмаларини ҳам янгилаш талаб этилади.

Бу эзгу ишнинг чуқур из қолдирадиган яна бир ижобий жиҳати бор. Демоқчимизки, бугун давлатимиз ҳомийлигида аёлларга ўргатилаётган янги касб-ҳунарлар нафақат уларнинг ўзига, балки улар орқали опасингилларига, қизларига ўтиб такомиллашиб, ривожланиб боради, оилаларнинг даромад манбаига айланади.

Умуман олганда, “Ўзбекистон — 2030” стратегиясида белгиланган ҳар бир йўналиш, ҳар бир вазифа, аввало, жамиятимиз, ундаги оилаларнинг тинчлиги, осойишталиги ва фаровонлиги учун хизмат қилади.

Назира МАТЯҚУБОВА,
Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси депутати.

Форум

ТУРИЗМ ТАЪЛИМИ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ЗАРУРАТИ

Туризм — иқтисодиётнинг муҳим тармоқларидан бири. Мавжуд имкониятлардан самарали фойдаланган ҳолда ушбу тармоқни янада такомиллаштириш зарур, буни даврнинг ўзи тақозо этмоқда.

Аммо туризм соҳаси учун кадрлар тайёрлаш жараёни қандай боряпти? Сайёҳлик тизимини мамлакатимиз иқтисодиётининг олд бўғинига айлантириш борасидаги вазифалар нималардан иборат?

Бухоро давлат университетида ўтказилган туризм йўналишида таълим берувчи олий ўқув муассасалари ректорлари форумида шу каби долзарб масалалар ечимига жавоб изланди.

Уч кун давом этган форумда мамлакатимиздаги 11 та олий ўқув юрти раҳбарлари ҳамда сайёҳлик соҳаси мутахассислари туризм таълими самарадорлигини янада ошириш юзасидан ўзаро фикрлашди.

Айтиш ўринлики, Бухоро давлат университетида туризм соҳаси бўйича кадрлар тайёрлаш борасида муайян тажриба тўпланган. Университетда Туризм ва меҳмонхона менежменти кафедраси фаолият кўрсатмоқда. Кафедра профессор-ўқитувчилари Туркия, Италия, Испания, Жанубий Корея, Россия каби бир қатор давлатлар етакчи олий ўқув юртларида малака ошириб қайтишди, илмий тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Кейинги йилларда бу йўналишдаги ҳамкорлик мустаҳкамланяпти.

Натижада туризм соҳаси учун малакали кадрлар тайёрлаш имконияти кенгаймоқда. Талабалар рақамли туризм, сайёҳлик соҳасида ҳамда меҳмонхона бизнесида инновациялар сингари замонавий фанлардан сабоқ олишаётир. Вилоятдаги меҳмонхоналар билан ҳам амалий ҳамкорлик йўлга қўйилган.

— Мамлакатимизда кейинги йилларда туризм катта суръатлар билан ривожланаётгани, Самарқанд, Бухоро, Хива, Қўқон каби қадимий шаҳарларимиз Марказий Осиёдаги туризм хабига айланиб бораётгани маълум, — дейди форум қатнашчиси, “Ипак йўли” туризм ва маданий мерос халқаро университетининг биринчи проректори Ж. Элтазаров. — Ўз навбатида, бу туризм Ўзбекистон иқтисодиётининг етакчи соҳаларидан бирига айланишига кўмаклашади. Соҳа ривожи, табиийки, туризм таълими йўналишида меҳнат қилаётган профессор-ўқитувчилар зиммасига ҳам катта масъулият юклайди.

Бухоро давлат университети ташаббуси билан ташкил этилган тадбирда сайёҳлик таълими олдида турган долзарб вазифалар, туризм индустрияси ривожи йўлида ечимини кутиб турган масалалар, айниқса, юқори малакали мутахассислар тайёрлаш, сайёҳларга замонавий хизматлар кўрсатиш ишларини такомиллаштиришда халқаро тажриба каби мавзуларда фикрлашилди.

Форум давлатимиз раҳбарининг шу йил 26 апрелдаги тегишли қарори ижроси доирасида уюштирилди.

Истам ИБРОҲИМОВ
(«Халқ сўзи»).

БЎСТОН КЕЧА ОРҚАДА ЭДИ, БУГУН-ЧИ?

Андижон вилоятининг айрим ҳудудлари бир пайтлар ўзлаштирилишга муҳтож манзиллардан иборат бўлган. У ерда гиёҳ ундириш, обод қилиш, аҳоли яшаши учун қулай муҳитни шакллантириш мақсадида йиллар керак бўлди. Бу давр орасида андижонликларнинг ғайрат-шижоати синовдан ўтди. Натижада бир пайтлар қумлоқ ҳамда ўтлоқдан таркиб топган жойларда чаманлар барпо этилди. Бўз туманига шу тариқа асос солинди.

Интилиш

Бўз ерларни ўзлаштириш орқали уни бўстонга айлантиришда халқимиз фидойилик намунасини кўрсатди. Не бир оғир меҳнатларда тобланган одамлар учун қишлоқ хўжалиги соҳасини ташкил этиш, мамлакат иқтисодиётига ҳисса қўшиш туманнинг том маънодаги бўстонга айланишига сабаб бўлди. Ва Бўз туманининг номи Бўстонга айланди.

Бўстон тумани, асосан, қишлоқ хўжалиги соҳасига ихтисослаштирилганлиги боис яқин-яқингача ҳам ишлаб чиқариш корхоналари мавжуд бўлмаган. Ҳукуматимиз томонидан ҳудудларни саноатлаштириш, аҳоли бандлигини таъминлашга бўлган эътибор туфайли манзилда биринкетин саноат корхоналари фаолият кўрсата бошлади.

Президентимиз шу йилнинг январь ойида Андижон вилоятига ташрифи чоғида “Сайёра фаввораси” тўқимачилик корхонасига ташриф буюрар экан, туманда иқтисодий кўрсаткичлар қониқарсиз аҳволда эканлигини, манзилнинг имкониятларидан унумли фойдаланган ҳолда янги иш ўринларини яратиш, аҳоли турмуш шароитини янада яхшилаш чораларини кўриш юзасидан кўрсатмалар берди.

Хўш, орадан ўтган қисқа фурсат ичида бу борада қандай ишлар амалга оширилди?

— Давлатимиз раҳбарининг туманда бажарилиши муҳим бўлган вазифалар юзасидан кўрсатмаси галдаги ишларимиз учун дастуриламал вазифасини ўтамоқда, — дейди туман ҳокими Санобархон Носирова. — Бунинг натижасида йилнинг ўтган даври мобайнида 29 та янги бизнес лойиҳаси ишлаб чиқилиб, 315 млрд. сўм маблағ шакллантирилди. Янги ишлаб чиқариш объектларининг фаолияти туфайли 1 минг 50 нафар бўстонлик доимий даромад манбаига эга бўлди.

Ҳудудда иқтисодиётни ривожлантиришда хорижий инвестицияларнинг аҳамияти жуда катта. Шу боис чет эллик ҳамкорлар билан алоқалар тобора мустаҳкамланиб бормоқда. Бу 113 млн. доллар қийматидаги ташаббусли лойиҳаларнинг вужудга келишига сабаб бўлди. Ушбу лойиҳалар ишга туширилгач, 2200 та янги иш ўрни яратилади.

Маълумотларга кўра, туманнинг экспорт салоҳияти кундан-кунга ортиб бораётир. Боиси йилнинг шу даврига қадар 1 млн. 700 минг долларлик қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари экспорт қилинган. Бу белгиланган йиллик режа 225 фоизга бажарилди, дегани.

Туманда ишга туширилаётган янги лойиҳалар, эришилаётган ижобий натижалар аҳоли турмуш шароитини яхшилашга хизмат қилаётир. Бу борада туман ҳокимлиги томонидан тузилган гуруҳ аъзолари барча хонадонга кириб, фуқаролар билан юзма-юз мулоқотда бўлмоқда. Натижада халқимизни узоқ йиллар давомида қийнаб келаётган муаммолар ўз ечимини топяпти.

— Ўғлим анча йиллардан буён Россия Федерациясида ишларди, — дейди “Гузар” МФЙда истиқомат қилувчи Эътиборхон Мирзаева. — Ишчи гуруҳ вакиллари хонадонимизда бўлиб, ҳол-аҳвол сўрагач, агар муносиб иш топилса, ўғлим мусофирликдан қайтмоқчилигини айтдим. Қисқа муддат ичида 20 сотих экин майдони ажратилди. Ҳозир нафақат ўғлим, балки оиламиздан яна уч киши қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш билан бандмиз.

Дарвоқе, тумандаги мавжуд 25 та маҳаллада яшовчи 5 минг нафардан зиёд ҳамюртларимиз ҳозирда хорижда ишламоқда. Уларга шу ернинг ўзида қулай шароит яратиш, доимий даромад манбаига эга қилиш учун аксариятига 20 сотиҳдан ер майдони ажратилди.

Эришилаётган натижалар ижтимоий объектларга бўлган эътборнинг ортишига ҳам сабаб бўляпти. Йиллнинг шу даврига қадар мактабгача таълим ташкилотлари ва умумий ўрта таълим мактабларини таъмирлаш учун 200 млрд. сўм миқдорида маблағ ажратилганлиги ҳам бунга мисол. Ёш авлоднинг баркамол улғайишига хизмат қилувчи 100 ўринли ёпиқ, 800 ўринли очиқ стадионлар қурилишига киришилганлиги эса янада қувонарлидир. Ушбу бунёдкорлик ишлари учун 3 млрд. 750 млн. сўм маблағ йўналтирилди.

Куз фаслининг бугунги салқин ҳарорати қиш остонасида турганимизни бот-бот эсга солмоқда. Бу эса аксарият аҳолининг мавсумолди ташвишини янада ошириши турган гап. Зеро, атиги 6 та маҳалла хонадонлари табиий газга уланган бўлиб, қолган 19 тасида кўмир ёқилғисига эҳтиёж мавжуд. Туман ҳокимлиги масаланинг бу жиҳатига алоҳида эътибор қаратаётганидан аҳолининг кўнгли хотиржам. Бугунгача туманда 1100 тонна кўмир захираси яратилган.

— Умрим давомида мана шу туман истиқболи учун меҳнат қилдим, — дейди меҳнат фахрийси Абубакир Сиддиқов. — Турли шароитларни кўрдик. Барини таққослаганда, тан олиш керак, бугунгидек ўзгаришларга етмайди. Бу ҳам бўлса давлатимизнинг ҳар бир ҳудудда халқимиз турмуш шароитини яхшилашга бўлган эътибори туфайлидир.

Суҳбатдошимизнинг самимий фикрлари бизни ҳам руҳлантирди. Зеро, тумандаги қай бир манзилга разм солманг, инфратузилмани яхшилаш, иқтисодиётни юксалтириш, янги иш ўринларини яратиш ишлари олиб борилаётганига амин бўласиз.

Демак, Бўстон тумани том маънодаги бўстонга айланмоқда, деб баралла айта оламиз.

Саминжон ҲУСАНОВ
(«Халқ сўзи»).

Халқ сўзи
www.xs.uz /xalqsuzi.uz @xs_uz
2023 йил 11 октябрь

ТИЛ БИЛГАН — ЭЛ БИЛАДИ

Ўзбекистон ва Германия ўртасида савдо-иқтисодий, маданий-маърифий, илмий-техникавий алоқалар йилдан-йилга ривож топиб бормоқда. Яқинда давлатимиз раҳбарининг Германияга ташрифи давомида ўтказган икки томонлама музокаралари мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатларда янги саҳифа очди, десак, айни ҳақиқат.

Ҳамкорлик

Таъкидлаш жоизки, Хоразм вилоятида ҳам немис сармояси иштирокида замонавий технологияга асосланган лойиҳалар ишга туширилмоқда. Айниқса, таълим ва маданият соҳаларида ҳамкорлик жадал ривожланяпти. Урганч давлат университети Германия университетлари билан мустаҳкам алоқалар ўрнатган, вилоят қўғирчоқ театри ушбу мамлакатга бир неча бор гастроль сафарларини уюштирди.

Вилоятдаги умумтаълим мактабларида хорижий тил сифатида немис тилини ўрганишга қизиқиш катта. Бунда немис тилининг Европа Иттифоқи доирасида кенг қўлланилиши, шунингдек, фан ва технологиялар тили эканлиги муҳим аҳамият касб этади.

Урганч шаҳридаги 19-умумтаълим мактаби 2009 йилдан буён Ўзбекистон Республикаси Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги ҳамда Германиядаги Гёте институтининг “Мактаблар: келажак ҳамкорлари” лойиҳасида қатнашиб келади.

Маълумот ўрнида айтиш жоизки, ушбу лойиҳада дунёнинг деярли барча мамлакатларидан 2 мингдан зиёд мактаблар иштирок этади.

— Ҳар йили лойиҳа асосида мактабимизнинг немис тилини пухта ўрганаётган ёшлари тил билишнинг Европа стандартлари асосида имтиҳонлар топширади ва энг юқори натижаларга эришган ўқувчилар Германиядаги ёзги оромгоҳларга дам олиш ҳамда тил ўрганиш учун юборилади, — дейди мактабнинг олий тоифали немис тили ўқитувчиси Роза Собирова. — Шу йил ёзда Германия фуқаролик таълими агентлиги ўтказган лойиҳада мактабимиз ўқувчилари бир нечта гуруҳ бўлиб қатнашди ва иккита гуруҳ ўқувчиларимиз бош соврин — Берлин шаҳрига саёҳат йўлланмасини қўлга киритишди. Улар бир ҳафта давомида Берлиннинг диққатга сазовор жойларини томоша қилдилар, Германия Федерал Канцлери Олаф Шольц билан учрашиб, суҳбатлашиш имкониятига эга бўлишди.

— Германияга саёҳатимиз давомида дунёнинг турли давлатларидан келган тенгдошларимиз билан дўстлашдик, — дейди мактаб ўқувчиси Муслима Қадамбоева. — Тил ўрганиш билан бирга турли маданий тадбирлар, тўгарак ва машғулотларда қатнашдик, саёҳатларга чиқдик. Сафар таассуротлари асосида ёзган мақолаларимиз бутун дунёда немис тили ўрганувчиларига тарқатиладиган “Vitamin. De” халқаро журналида ҳам чоп этилди.

Мактаб ўқувчилари Германиянинг Ўзбекистондаги элчихонаси томонидан ҳар йили ноябрь ойида ўтказиладиган немис тилидан ўқиш, шунингдек, иншолар, эртаклар, халқ мақоллари, расмлар танловларида фаол қатнашиб, совринли ўринларни эгаллаб келишаётир. Бундан ташқари, ўқувчилар мактаб театрида немис тилида саҳна кўринишлари тайёрлаб, бошқа вилоятлардаги тенгдошларига намойиш этмоқда.

Мактаб жамоаси Германия таълим муассасалари билан турли лойиҳалар доирасида ҳамкорликни йўлга қўйган. Сентябрь ойида мактаб ўқитувчиларидан Роза Собирова, Малика Раҳимова, Назокат Муратова Германияда бўлиб, Гёте институтида малака оширди, тил ўқитишнинг замонавий усулларини ўзлаштириб қайтди. Ўз навбатида, хорижлик мутахассислар ҳам мактабга ташрифни канда қилмайди. Масалан, айни кунда Берлин университети магистранти Лена Вунче (Lena Wьnsche) ушбу мактабда амалиёт ўтаяпти.

Сирасини айтганда, хорижий тилларни ўрганиш бугунги куннинг муҳим талаби. Халқаро ҳамкорлик доирасида тақдим этилган дарслик, ўқув-услубий материаллар ва тегишли техник жиҳозлар таълим сифати ҳамда самарадорлигини оширишга хизмат қилаётир.

Одилбек ОДАМБОЕВ («Халқ сўзи»).

Тадбир

БОЖХОНА ЕНГИЛЛИКЛАРИ ТАДБИРКОРЛАР ФАОЛИЯТИНИ КЕНГАЙТИРМОҚДА

Давлатимиз раҳбарининг ўтган йил 25 апрелдаги “Божхона ҳудудида қайта ишлаш божхона режими қўлланилишини соддалаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони ижросини таъминлаш ҳамда божхона органлари томонидан тадбиркорлик субъектларининг ташқи иқтисодий фаолиятини доимий қўллаб-қувватлаш, улар дуч келаётган мавжуд тўсиқларни бартараф этиш бўйича тизимли чора-тадбирлар амалга оширилаётир.

Тошкент вилояти божхона бошқармаси билан ҳамкорликда қайта ишлаш корхоналари раҳбарлари, ташқи иқтисодий фаолият (ТИФ) иштирокчилари, Савдо-саноат палатаси ва солиқ бошқармаси масъул ходимлари иштирокида “Янгийўл” ТИФ божхона пости ҳамда “Global komsco Daewoo”, “International paper”, “Imperial Granit” МЧЖ хорижий ишлаб чиқарувчи ташкилотлар ҳудудида ўтказилган тадбирда божхона режимининг қулайликлари, шунингдек, мамлакатимизда тадбиркорлик субъектлари учун яратилаётган енгилликлар хусусида сўз юритилди.

Мутасаддиларнинг таъкидлашича, Янгийўл туманида жойлашган “Global komsco Daewoo” МЧЖ хорижий корхонаси қоғоз ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган бўлиб, ҳозирда 200 дан ортиқ аҳоли бандлигини таъминлашга эришди. Жамоа ўтган давр мобайнида 16 млн. 200 минг АҚШ доллари миқдоридаги маҳсулот экспорт қилди. Хориждан эса 300 минг АҚШ доллари миқдоридаги хомашё олиб кирилди.

Қоғоз маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган “International paper” корхонасида эса 300 нафар киши иш билан таъминланган бўлиб, ишлаб чиқарилган маҳсулотларининг экспорт ҳажми 4 млн. 600 минг АҚШ долларини, хориждан хомашё олиб кириш кўрсаткичи 8 млн. АҚШ долларини ташкил этади. 150 нафар кишини янги иш ўринларига жалб қилган мармар маҳсулотларини ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган “Imperial Granit” корхонасида ҳам экспорт ва импорт кўрсаткичлари ўсиб бораётгани қайд этилаётир.

— Экспорт-импорт жараёнлари кенгайиб бораётган бундай корхоналар вилоятда талайгина. Қолаверса, тадбиркорлар кичик ва ўрта бизнес вакилларига ҳам божхона хизмати кўрсатишда меъёрий ҳужжатларни расмийлаштириш ҳолатлари соддалаштирилиб, хизмат сифати такомиллаштирилмоқда, — дейди Тошкент вилояти Божхона бошқармаси бошлиғи, божхона хизмати полковниги Олимжон Ҳожиматов. — Ҳозирги кунда ходимларимиз томонидан “Божхона тўловларидан озод ҳудуд” тамойилига асосий эътибор қаратилмоқда. Президентимиз Фармони ижросини таъминлаш учун хориждан импорт қилинадиган хомашё ва материалларни қайта ишлаш истагида бўлган тадбиркорлик субъектлари ушбу божхона режимидан фойдаланганда, божхона тўловлари ундирилмаслиги ва иқтисодий сиёсат чоралари қўлланилмаслиги каби афзалликларга эга бўлмоқда. Аслида ушбу тарихий ҳужжат ҳам мамлакатимиз қайта ишлаш корхоналарини хомашё билан мунтазам таъминлаш, ишланган маҳсулотлар экспорт географиясини кенгайтириш, улар ҳажми ва турларини кўпайтиришга йўналтирилган.

“Божхона ҳудудида қайта ишлаш” режими қулайлиги боис ундан фойдаланувчи ташкилотлар ва маҳсулотлар экспорт-импорт ҳажми ортиб бормоқда.

Масалан, жорий йилнинг ўтган 8 ойи мобайнида Тошкент вилояти ҳудудидаги 38 та тадбиркорлик субъекти томонидан хориждан олиб келинган 268,7 минг тонна, қиймати қарийб 82 млн. АҚШ долларига тенг бўлган хомашёлар “Божхона тўловларидан озод ҳудуд” божхона режимига жойлаштирилган. Қайта ишлангандан сўнг хорижга юборилган тайёр маҳсулотлар қиймати эса салкам 84 млн. АҚШ долларини ташкил этган. Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, мамлакатимизда тадбиркорлик субъектларига қаратилаётган эътибор, яратилаётган қулайликлар иқтисодиётимизнинг ривожланишига йўл очмоқда.

Давра суҳбатида соҳада амалга оширилиши лозим бўлган галдаги муҳим вазифалар хусусида фикр алмашилди.

Шодиёр МУТАҲАРОВ («Халқ сўзи»).

Деҳқончилик

ДАСТУРХОН ТЎКИН, РЎЗҒОР БУТ

Шаҳрисабз туманининг Истиқлол маҳалласида яшовчи Зулфия Мейлиева ҳовлисидаги 2 сотих томорқада деҳқончилик қилади. Ана шу кичик майдон оила учун яхшигина даромад манбаига айланган.

— Томорқадан бир йилда камида уч маротаба ҳосил оламиз, — дейди у. — Масалан, эрта баҳордан сентябрь ўрталарига қадар аввал картошка, сўнг маккажўхори экиб, саранжомлаб олишга улгурамиз. Шундан сўнг то қишга қадар кўкатчилик билан шуғулланамиз.

Айни вақтда ҳам томорқанинг ярмида саримсоқпиёз, қолган қисмида эса пиёз баравж ривожланмоқда. Оила бекасининг айтишича, яна йигирма кунлардан сўнг кўкатларни бозорга етказиб бериш бошланади ва бу жараён декабрнинг ўрталарига қадар давом этади. Ўтган йили бу оила фақат кўкатнинг ўзидан 10 миллион сўм даромад кўрган. Бу йилги мўлжал янада чўнгроқ. Умумий ҳисобда томорқадан келадиган йиллик даромад 50 миллион сўмдан ошади. Бу маблағ дастурхон файзу баракаси, турмуш фаровонлигини таъминлаётир.

Эътибор берилса, ҳар бир ҳудуднинг ўзига хос деҳқончилик йўналиши бор. Ушбу маҳаллада эса кўпчилик оилалар кўкатчиликдан яхши даромад топишар экан.

Масалан, Шоира Умарова ҳам 2,5 сотих майдонда кўкат етиштиришни йўлга қўйган.

— Яқин кунлар ичида барра кўкат сифатида пиёзни бозорга чиқаришни бошлаймиз, — дейди у. — Ҳар куни 500 — 600 боғ тайёрлаймиз. Бу жараён бир ойдан зиёд давом этади. Шу билан бирга, томорқада турли сабзавотлар етиштирамиз, чорва, парранда боқамиз. Асосийси, бу маҳсулотларни сотиб олмаймиз, ҳаммаси ўзимиздан чиқади. Истеъмолдан ортиқчасини эса бозорга чиқарамиз.

Очиғи, миришкорлар юртимизнинг ҳар қарич ерини заргa, тиллога менгзашади. Аслида ҳамма гап ундан оқилона фойдаланишда.

Жаҳонгир БОЙМУРОДОВ («Халқ сўзи»).

БАРАКАЛИ ҲОСИЛ — ЗАҲМАТЛИ МЕҲНАТ МАҲСУЛИ

Музработ тумани ҳудудидан оқиб ўтувчи Амударё қирғоқлари бўйлаб 20 минг гектардан зиёд ерни босқичма-босқич фойдаланишга киритиш ишлари амалга оширилмоқда.

Жорий йилда шундай унумдор ерлардан 4 минг гектарига шоли экилди. Айни кунларга пишиб етилган шолининг ўрим-йиғим ишларига 60 та комбайн ва 200 га яқин юк ташиш техникалари жалб этилган. Жорий мавсумда “SCT cluster sholi” МЧЖ томонидан 20 минг тонна шоли етиштириш, 10 минг тоннадан ортиқ гуруч маҳсулотлари ишлаб чиқариш мўлжалланган.

— Шу йилнинг ўзида Амударё қирғоғидаги ер майдонларини экинга тайёрлаш, 60 километрга яқин ирригация тармоқларини тиклаш учун 80 млрд. сўм миқдорида маблағ сарфланди, — дейди “SCT cluster sholi” МЧЖнинг Музработ тумани бўйича иш бошқарувчиси Халил Эгамбердиев. — Баракали ҳосил — заҳматли меҳнат маҳсули. Ҳозирда гектаридан ўртача 55 — 60 центнер ҳосил оляпмиз. Келгуси йили шоли етиштириладиган ерни янада кенгайтириб, ҳосилдорликни 70 центнерга етказиш ҳамда қўшимча янги иш ўринлари яратиш ниятидамиз.

Эътиборлиси, шоли етиштириш ҳажми ортиши натижасида келгуси йилнинг май ойига қадар 7 млн. доллар қийматга эга ва Марказий Осиёда ягона бўлган шолини қайта ишловчи завод қурилиши бўйича амалий ҳаракатлар бошланган. Шунингдек, “SCT cluster sholi” МЧЖ томонидан 2024 йилда учта янги насос станцияси қурилиб, қўшимча ўзлаштириладиган 3 минг гектар ер майдонида кафолатланган сув таъминоти йўлга қўйилади. Натижада 2025 йилга бориб шоли экиладиган майдонлар 10 минг гектарга етказилади.

Амударё қирғоғидаги ерларни ўзлаштиришга ирригация ва мелиорация ишлари учун 512 млрд. сўм миқдорида сармоя киритилади.

Илҳом РАҲМАТОВ («Халқ сўзи»).

МАРКАЗДА ЁШЛАР ИЖОД КЎЧАСИ ОЧИЛДИ

Ёғоч ўймакорлиги билан шуғулланиб, элда обрў-эътибор топган Акмал Муҳитдинов 2021 йили Бухоро туманининг Галаосиё шаҳрида ҳунармандчилик марказини барпо этганди.

Ҳунармандчилик

“Нақшбанд” дея номланган ушбу маскан бир гектар майдонни эгаллаган бўлиб, ўзига хос меъморий ечимга эга. Унинг бир биносида тасвирий санъат музейи, сайёҳлар учун мўлжалланган меҳмонхона ва ресторан жойлашган. Бухоронинг қадимий ипак қоғози, каштачилик буюмлари ҳамда сомондан тасвирий санъат асарлари тайёрланадиган бинода эса ҳунармандлар учун барча қулайлик яратилган. Яна бир бинода ёғоч ўймакорлиги устахонаси жойлашган.

Марказда ўттиздан зиёд ҳунармандларнинг фаолият юритиши, қирқ нафар ўғил-қизнинг “Устоз — шогирд” йўналишида ҳунар сирларини ўрганиши учун зарур шарт-шароит мавжуд.

Куни кеча туман ҳокимлиги билан ҳамкорликда бу ерда яна бир лойиҳа рўёбга чиқарилди. Марказда ёшлар ижод кўчаси очилди.

— Шогирдлар ютуғи — бизнинг ютуғимиз, — дейди яқинда бўлиб ўтган “Bukhara Tourism Awards — 2023” тақдимот маросимида соҳанинг фидойи ҳамкори сифатида эътироф этилган А. Муҳитдинов. — Мақсадимиз ёшларимизни ҳунарли қилиш, уларнинг бўш вақтларини мазмунли, фойдали ўтказишига кўмаклашишдир. Бу лойиҳани амалга оширишда давлатимиз раҳбарининг ўғил-қизлар иқтидори, салоҳиятини юзага чиқаришга оид “Беш муҳим ташаббус”и дастуриламал вазифасини ўтади.

Айтиш жоизки, марказда маданий, маънавий-маърифий тадбирларни доимий ўтказиб бориш орқали ёшларни мустақил ҳаётга тайёрлашга ҳисса қўшиш мақсад қилинган.

«Халқ сўзи».

БАРҚАРОРЛИК ВА ФАРОВОНЛИК МАНБАИ

«Навоий иссиқлик электр станцияси» акциядорлик жамиятида янгиланишларнинг учинчи даври бошланди.

1

Мазкур қурилманинг ишга туширилиши техник ва маънан эскирган ускуналарни модернизация қилиш, энергия таъминотини барқарорлаштириш, маҳсулот бирлигига шартли ёқилғи сарфини ҳамда энергетика ишлаб чиқариш жараёнларининг атроф-муҳитга зарарли таъсирини камайтириш билан бирга, станция қувватларини модернизация ва реконструкция қилишнинг I даврини бошлаб берди. Яъни янги қурилманинг ишга туширилиши муносабати билан ишлаб чиқариладиган электр энергияси миқдори ошиши сабабли 220 кВт кучланишли очиқ тақсимлаш қурилмалари нимстанцияси реконструкция қилинди.

Корхона фаолиятида янги тарих — II давр станцияни янада кенгайтириш ҳисобига ишлаб чиқариш қувватларини ошириш, замонавий энерготежамкор технологияларни жорий этиш ҳамда истеъмолчилар энерготаъминотини барқарорлаштириш мақсадида 2017 — 2019 йилларда 450 МВт қувватли буғ-газ қурилмаси лойиҳасини амалга ошириш билан давом эттирилди.

— Биринчи қурилмадан фарқли ўлароқ *ушбу лойиҳада 200 гигакалория (иссиқлик тармоғи учун 100 Гкал миқдорда иссиқ сув ҳамда ишлаб чиқариш корхоналари учун 100 Гкал. саноат буғи кўринишида)* иссиқлик энергияси ишлаб чиқариш кўзда тутилган бўлиб, бу билан истиқболда станциянинг иссиқлик қувватлари ҳам янгиланади, — дея давом этади Ф. Юсупов. — Яна бир жиҳат шундаки, ушбу қурилмада Ўзбекистонда биринчи бор техник сув ўрнига ҳаво билан совитиладиган конденсатор ўрнатилди.

Айни кунларда станция тараққиётининг III даврига старт берилмоқда. Яқинда “Навоий ИЭС” АЖ ва Японияннинг “Mitsubishi Power Ltd” компанияси ўртасида “Навоий ИЭС”да қуввати 650 МВт бўлган учинчи буғ-газ қурилмаси қуриш” инвестиция лойиҳасини амалга ошириш доирасида қиймати 784,6 миллион доллар ҳамкорлик шартномаси имзоланди.

— Инвестиция лойиҳаси 2022 йил 28 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасининг 2023 — 2025 йилларга мўлжалланган инвестиция дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Президент қарорида белгилаб берилган устувор вазифалар ижросини таъминлашга қаратилган, — дейди корхонанинг капитал қурилиш масалалари бўйича директори Комилжон Ҳафизов. — Шартнома шартларига кўра “Mitsubishi Power Ltd” компанияси томонидан лойиҳани амалга ошириш муддати 2023 — 2026 йиллар этиб белгиланиб, Япония халқаро ҳамкорлик агентлиги (JICA) томонидан молиялаштирилади. Лойиҳа татбиқ этилгач, энергетика тизимида йилига 4,8 млрд. кВт/соат қўшимча электр энергияси ишлаб чиқарилиб, 1,1 млрд. метр куб газ тежалиши ва 347 та янги иш ўрни яратилишига эришилади.

Замонавий энергетик технологияларга асосланган инвестиция лойиҳаларининг кенг жорий қилиниши мамлакатимиз иссиқлик электр станцияларида газ турбина қурилмалари ҳамда буғ-газ турбинали комбинациялашган циклли қурилмалар сонининг йилдан-йилга ортиши, ўз навбатида, ана шу даврда жорий этилаётган янги қурилмалар учун малакали эксплуатацион ходимлар тайёрлаш вазифасини ҳам қўймоқда.

Станция базасида энерготизим иссиқлик электр станциялари эҳтиёжлари учун ходимлар тайёрлаш ўқув марказининг очилгани бу масалада ижобий ечим бўлиб хизмат қилмоқда. Марказ бевосита Япония халқаро ҳамкорлик агентлигининг молиявий ва техникавий кўмагида ташкил этилган бўлиб, 2018 йил охирида дастурларни тўла ўтган 14 нафар инструкторга JICA экспертлари томонидан амалий ва назарий машғулотлар ўтиш ҳуқуқини берувчи сертификатлар тақдим қилинди.

2019 йил июль ойида Ўқув марказига тижорат фаолияти олиб бориш учун расман лицензия берилди. Шу кунга қадар марказда 1 мингга яқин мутахассислар тайёргарликдан ўтди.

— Навоий давлат кончилик ва технологиялар университетида ўқиш даврида амалиётни станцияда ўтадим ва шу ерда ишда қолдим, — дейди ёш мутахассис, буғ-газ цехи бошлиғи Лазиз Мақсудов. — Фаолиятимни бошлаган дастлабки кунларданоқ, “Устоз — шогирд” тамойили асосида тажрибали мутахассисларга бириктирилиб, кўникма ва билимимни оширдим, Японияда тажриба орттирдим. Юртимизда ёш кадрларга алоҳида эътибор қаратилаётгани зиммамизга юксак ишонч ҳамда масъулият юклайди.

Энди мазкур инвестиция лойиҳаларининг иқтисодий самарадорлигига қайтсак, комбинациялашган циклда замонавий қурилмаларда 1 кВт/соат электр энергияси ишлаб чиқариш учун 220 — 235 грамм шартли ёқилғи сарф қилинишини (солиштириш учун — анъанавий технологияларга асосланган қурилмаларда ушбу кўрсаткич 400 граммга бориб қолади ва ҳатто ундан ҳам ортиқроқни ташкил этиши мумкин) таъкидлаш жоиз.

Дастлабки 478 МВт қувватдаги қурилманинг ишга туширилиши натижасида станцияда йиллик иқтисод қилинган табиий газ миқдори 350 — 400 млн. кубометрни, биргина 2013 — 2018 йиллар мобайнида 2,3 млрд. кубометрни ташкил этиб, 1 трлн. сўм маблағ иқтисод қилинди. Иккинчи навбатдаги 450 МВт қувватли қурилманинг ишга туширилиши эса станция бўйича ички истеъмолчилар учун қўшимча равишда йилига 3 млрд. 276 млн. кВт/соат электр энергияси ишлаб чиқариш имконини бермоқда.

Энг муҳими, ушбу инвестициявий лойиҳалар аҳолининг фаровонлиги ҳамда розилиги ва жамиятда муҳит барқарорлигини белгилаб, минтақанинг ишончли энергия таъминотчиси сифатида мамлакат инвестициявий жозибадорлигини оширмоқда.

Темур ЭШБОЕВ («Халқ сўзи»).

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1041. 32 669 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-259-74-51; котибият 71-259-74-53; эълонлар 71-259-74-55.

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

МАНЗИЛИМИЗ:
100066,
Тошкент шаҳри,
Ислом Каримов кўчаси, 55-уй.

Навбатчи муҳаррир — Б. Мадиёров.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.20 Топширилди — 23.55 1 2 3 4 5 6